

Тошлоқ туманидаги Турбат кишлоғида фойдаланишга топширилган кишлоқ врачлик пункти беморларга хизмат кўрсата бошлади. Туман марказидан анча олисда жойлашган мазкур саломатлик масканида бир вақтнинг ўзida 75 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатиш имкони мавжуд.

Шифо маскани қурилишига қарийб 90 миллион сўм маблағ сарфланди. Уни туман «Қурилиштаъмирлаш» жамоа корхонаси қурувчилари барпо этди.

Янги шифо маскани кўшни Қалача, Юқори кишлоқ, Дўстлик кишлоқларининг етти ярим минг нафардан ортиқ аҳолисига ҳам хизмат кўрсатади.

(Ўза).



ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 11 сентябр, чоршанба № 147 (1364)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ


ТОШКЕНТДА КАТТА ТЕННИС БАЙРАМИ

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги халқаро теннис турнири бошланди. Шу муносабат билан нафақат пойтахтимиз, балки бутун мамлакатимиз катта теннис шукухи билан яшамокда.

Бир неча йилдан буён зўр муваффақият билан ўтказиб келинаётган мазкур мусобақанинг дунё спортдаги нуфузи тобора ортиб бормокда. Бунинг турнирда қатнашиш учун Тошкентга дунё теннисининг кўплаб юлдузлари таъриф буюрганидан ҳам билса бўлади. Улар орасида Марат Сафин, Евгений Кафельников, Марк Россе каби машҳур теннис усталари бор.

10 сентябр куни «Ўзбекистон» спорт мажмуида Президент Кубоги халқаро турнирининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Шу кунларда Тошкентда катта спорт бай-



рами, деди давлатимиз раҳбари. Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турнири қатнашчилари таъриф буюрди.

Мазкур турнир қисқа вақт ичида катта обрў-эътиборга сазовор бўлди. У сайёрамизнинг турли мамлакатларидаги минглаб спортчиларга Тошкент

билан танишиш, айтиш мумкинки, унга меҳр қўйиш имконини берди, деб таъкидлади Президент.

Дунёдаги миллионлаб теннис мухлислари эса матбуот ва телевидение орқали Ўзбекистон билан яқиндан танишмоқда.

Энг муҳим ва аҳамиятли жиҳати - Президент Кубоги турнири катта теннис мамлакатимизда оммалаштиришдек буюк ишни амалга оширди.

Бугунги кунда ушбу гўзал ва ажойиб спорт тури билан каттаю кичик миллионлаб ҳамюртларимиз шугулланмоқда. Бугун Тошкент дунёнинг профессионал теннис бўйича мусобақалар ўтказилаётган кўплаб пойтахтлари ва шаҳарлари қаторидан ҳақли равишда муносиб

ўрин эгаллади. Тошкент турнирига кетма-кет уч бора «Ай-Ти-Пи»нинг «Юсак нуфузи учун» мукофоти топширилиши бежиз эмас.

Мусобақанинг барча иштирокчиларини - эски қадрдонларимизни ҳамда ушбу турнирда илк бор иштирок этаётган спортчиларни қутлаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари. Биз бутун дунёга машҳур спортчилар - ажойиб теннис усталарини муборакбод этамиз. Президентимиз Сассон Кақшури раҳбарлигидаги турнир ташкилотчилари, ҳакамлар ҳайъати ҳамда супервайзери Томас Карлбергни ҳам муборакбод этар экан, уларга мазкур нуфузли мусобақаларни юксак савияда ташкил этаётгани учун самимий миннатдорлик билдирди.

Тоғшабинлар ва бутун Тошкент аҳлига самимияти, очик чеҳраси, меҳмондўстлиги ва мусобақа иштирокчиларини қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдорлик изхор этди.

Шундан сўнг Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги тўққизинчи халқаро турнирини очик деб эълон қилди.

Шу кун кортда швейцариялик Марк Россе ва германиялик Томми Хаас ўзаро беллашди.

Шундай қилиб, Тошкентда катта теннис байрами бошланди. Бир неча кун давомида пойтахт аҳли ва меҳмонлари, қолаверса, телевидение ва матбуот орқали бутун дунёдаги теннис ихлосмандлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Кубоги турниридаги шиддатли ва мурасиз спорт беллашувлари га гувоҳ бўлади.

(Ўза).

Тараққийтимизнинг янги босқичи: асосий йўналишлар ва вазифалар

Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис тўққизинчи сессиясидаги маърузасида мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилаётган ислохотлар чуқур таҳлил этилди, ҳаётимизнинг барча соҳаларини демократлаштириш, эркинлаштириш жараёнларида эришилган ютуқлар умумлаштирилди ва тараққийтимизнинг янги босқичидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди.

кечмоғи даркор. Бугунги кунда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, жамоат бирлашмалари, касба уюшмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари,

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Ушбу маърузанинг аҳамияти хусусида баътафсилроқ тўхталадиган бўлсак:

маъруза илмий умумлашмалар, чуқур таҳлил, ўзгаришларнинг тугал хулосалари билан муҳим назарий аҳамият касб этади; маъруза амалий аҳамиятга эга бўлиб, унда тараққийтимизнинг янги босқичидаги устувор йўналишлар кўрсатиб берилган. Шу жиҳатдан, шак-шубҳасиз, маъруза демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш борасида стратегик аҳамиятга эга; маъруза мафкуравий аҳамиятга эга бўлиб, унда олдимизга қўйилган устувор вазифалар давлатимиз, жамиятимиз равнақи йўлида маънавий-маърифий нуқтани назардан нечоғли муҳим эканлиги теран очиб берилган;

маъруза улкан сиёсий аҳамиятга молик ҳужжатдир. Чунки у том маънода мамлакатимиз раҳбарининг олдинги чиқишларида илгари сурилган, хусусан, биринчи қақирқ Олий Мажлисининг 14-сессиясида ва иккинчи қақирқ Олий Мажлисининг биринчи сессиясида қабул қилинган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий ва маънавий соҳаларни эркинлаштиришга қаратилган стратегик дастурнинг узвий давомидир.

Дарҳақиқат, ўтган ўн бир йил давомида юр-

тимиз иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан, жамиятда демократия тамойилларини шакллантириш борасида юксак поғонага қўтарилди. Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президентимиз ўз маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор берилди, айниқса, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилуш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айтиш шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди.

Президентимиз ўз маърузасида ана шу янги босқичда нималарга алоҳида эътибор берилди, айниқса, «Кучли давлатдан - кучли фуқаролик жамияти сари» деган сиёсий қурилуш дастурини амалда тўла татбиқ этиш ва айтиш шундай ёндашув билан фуқароларимизга ўз ҳаёти ва бутун жамият ҳаётини бошқаришда ва ташкил этишда фаол иштирок этиш учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлигини аниқ ва равшан белгилаб берди.

«Адолат - қонун устуворлигида»

Буюк бобокалонимиз, соҳибқирон Амир Темури ҳазратларининг «Куч - адолатда» деган ҳикмати сўзлари барчага маълум. Президентимиз Ислам Каримов бу пурмаъно нақлни янада ривожлантириб, «Адолат - қонун устуворлигида», деб таъкидлар экан, худди шу умуминсоний демократик тамойилга қатъий амал қилиб яшашимиз зарурлигини алоҳида уқдиради.

Ўз навбатида, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни ҳам қонун асосида, қонун устуворлигида ҳуқуқий негизда

нодавлат нотижорат ташкилотлари, виждон эркинлиги, сайловлар тўғрисидаги қонунлар, Фуқаролик ва Солиқ кодекслари каби қонун ҳужжатлари юртимизда фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муайян ҳуқуқий асослари яратилгандан далолат бериб турибди. Давлатимиз раҳбари сессияда «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунга зарур ўзгаришлар киритиш, шунингдек, «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва уюшмалари тўғрисида», «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш ташаббусини ўртага ташлади. Табиийки, тақлиф этилаётган янги қонун ҳужжатлари фуқаролик институтлари ва ўзини ўзи бошқариш органларини ривожлантириш учун энг мақбул ташкилий-ҳуқуқий механизмларни, яъни тегишли қонунчилик асосларини янада мукамаллаштиришда муҳим аҳамиятга эга.

Бугунги кунда мамлакатимизда эллиқдан ортиқ жамғарма мавжуд бўлса-да, уларнинг фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солувчи алоҳида қонуннинг мавжуд эмаслиги «Ижтимоий жамғармалар тўғрисида»ги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш нечоғли долзарб масала эканлигини аққол англатиб турибди.

(Давоми 3-бетда)

МАРШАЛЛ МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга Хавфсизлик масалаларини ўрганиш бўйича Жорж Маршалл номидаги Европа маркази директори Роберт Кеннеди таъриф буюрди. Меҳмон мамлакатимизнинг айрим вазирлик ва идораларида бўлди. Жумладан, Ташқи ишлар ҳамда АҚШ вазириликлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти ва бошқа муассасаларда музокара ўтказди.

1993 йили ташкил этилган Маршалл маркази Германиянинг Гармиш шаҳрида жойлашган. АҚШ ҳамда Германия ҳукуматлари томонидан қўллаб-қувватланувчи ушбу муассаса дунё миқёсида хавфсизлик ва барқарорликни, дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, сайёрамиз халқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришни мақсад қилган. Марказ ташкил этилгандан буён унга 45 мамлакатдан икки ярим мингдан ортиқ тингловчи келиб кетган. Р.Кеннедининг таърифи давомида ўтказилган учрашувлар

чоғида Ўзбекистон билан Маршалл маркази ўртасидаги ҳамкорлик самарали ривожланаётгани алоҳида таъкидланди. Ўтган тўққиз йил давомида ўзбекистонлик 89 нафар тингловчи ушбу марказнинг таълим дастурларида иштирок этгани бу фикрнинг тасдиғидир.

БУ КЎРКАМ БИНОЛАР

Пойтахт вилоятининг Окқўрғон тумани аҳоли истиқомат манзиллари кундан-кунга ободонлашиб бормокда. Туман марказида замонавий ва миллий меъморлик анъаналари асосида қуриб фойдаланишга топширилган коллежда 750 нафар йигит-қиз коммунал хизмат ва қурувчилик касбларини ўрганишга киришди. Бу ерда асосий бинодан ташқари спорт иншооти, юз ўринли ётоқхона, икки юз ўринли ошхона ҳам қад ростланди.

«Окқўрғон» ширкат хўжалигида қуриб битказилган 500 ўринли янги мактаб биноси ҳам янги ўқув йилида ўқувчиларга муносиб совға бўлди. Болалар боғининг очилиши эса кичкинтойлар қувончига қувонч қўшди. «Ўзбекистон» ҳамда «Гулистон» ширкат хўжаликларидан бунёд этилган кишлоқ врачлик пунктлари ҳам аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Барпо этилган

ўндан ортиқ озиқ-овқат дўконлари, марказий бозор ва майшият хизмат кўрсатиш мажмуалари туман кўрқига кўрк қўшмоқда.

МАҲАЛЛАДА КАСБ-ХУНАР ЎРГАТИЛМОҚДА

Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туманидаги 12-маҳалла фуқаролар йиғинида бир гуруҳ хотин-қизлар касб-хунар ўрганишга жалб қилинди. Уларга зардўзлик, чопондўзлик каби касблар ўргатилмоқда. Тажрибали чеварлар уларга устозлик қилмоқда.

Бу ишни маҳалла билан ҳамкорликда йўлга қўйдик, - дейди Бухоро шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи Б.Хўжаев. - Бу ерда 25 нафар ёшлар анъанавий «Уста-шогирд» мактабига касб-хунар ўргатилмоқда.

Ҳамкорлик фақат мазкур маҳалла билан чекланиб қолгани йўқ. Файзулла Хўжаев туманидаги 5, 9, 10-маҳалла, Тўқимачилик туманидаги 11-маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам анъанавий «Уста-шогирд» мактабларида ўқув ташкил этилган. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида 145 нафар фуқаро тажрибали хунармандлардан касб сирларини ўрганиб, мустақил иш юрота бошлади.

Матбуот сўзининг таъсирчан кучи

ТАНҚИД ТАН ОЛИНДИ

Газетамизнинг шу йил 122-сонида «Йўл азоби» сарлавҳали мақола чоп этилган, унда пойтахтни Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси билан боғлаб турувчи, кунига қанчадан-қанча турли русумдаги транспорт воситалари қатнаётган йўللардан ҳайдовчилар, йўловчиларнинг кўнгли тўлмаётгани, янги ҳолга келиб қолган йўлни тартибга келтириш мутасадди ташкилотлар томонидан пайсалга солинаётгани хусусида фикр юритилган.

Яқинда мазкур чиқиш юзасидан таҳририятимизга жавоб хати келди. Унда, жумладан, шундай дейилади:

Мақолада қайд этилган камчиликлар ўз исботини топди. Ушбу йўлнинг 280-290 км, 290-316 км.ларида таъмирлаш ишлари бошланганлигига қарамай зарур хом ашёларнинг етишмаётганлиги, уни узоқ масофадан ташиб келтириш, айниқса, қўшни Туркменистон Республикаси ҳудуди орқали ўтказишдаги қийинчиликлар асосий сабаб бўлмоқда.

Шунга қарамастан жорий йилнинг 8 ойи мобайнида автомобиль йўлининг техник ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни бажаришга катта эътибор қаратилиб, 11 км. йўл қопламаси янгидан ёт-

қизилди, 12 км. қоплама юзасига ишлов берилди. 28,5 км. йўлнинг транспорт ўтказувчанлик қобилиятини яхшилаш бўйича муайян ишлар бажарилди.

Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича 40 та янги йўл белгиси ўрнатилиб, 175 дона эскирган белгилар алмаштирилди. 110 дона йўналтирувчи устунчалар ўрнатилиб 3 км. йўл ёқаси мустаҳкамланди.

Ушбу таъмирлаш ва сақлаш ишларига 137,9 миллион сўм маблағ сарфланди. Мақоладаги камчиликлар бирлашма умумий йиғилишида муҳокама

қилинди. Таъмирлаш ишларига етарли эътибор қаратмаганлиги бирлашма раиси ўринбосари К.Вапаевага кўрсатиб ўтилди. Тупроққалъа автомобил йўллари бошқармаси бош муҳандиси О.Сапаевага ҳайфсан эълон қилинди.

Аллоберган Сапаров 495 йўл бўлим бошлиғи вазифасидан озод этилди. А-380 «Нукус-Бухоро-Гуздор» автомобил йўлининг Хоразм вилояти ҳудудидан ўтган қисми 218-331 км.ларида автомобил йўлининг техник ҳолатини яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, транспортларга хизмат кўрсатиш қобилиятини ошириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар белгиланди. Мазкур иш ижросини таъминлашга мутахассислар бирктилиб, каттик назорат ўрнатилди.

Ю.БОЙКО, «Хоразмавтойўл» бирлашмаси раисининг биринчи ўринбосари.

Корхонада маънавий муҳит

РАЦИОНАЛИЗАТОРЛАР

таклифи билан катта иқтисодий самара олинди

Пойтахтдаги 3-трамвай-троллейбус депоси маъмурияти касабга уюшма кўмитаси ижтимоий ҳимоя масаласига алоҳида эътибор бериб, ишда самарадорликка эришишни таъминлаётди.

Далилларга мурожаат этайлик. Жорий йилнинг ўтган етти ойида шу мақсад учун 4 миллион 560 минг сўмдан орტიқ маблағ ажратилди. Унинг маълум қисми жамоа аъзоларини моддий қўллаб-қувватлашга сарфланган бўлса, қолгани ишчи-хизматчиларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, маданий дам олишлари таъминлаш ҳамда фарздандларнинг оромгоҳларда ҳордиқ чиқаришларини қўллаб-қувватлашга қўйилган. Тоғ бағирларида жойлашган «Автомобилчи», «Стрельцов», «Трамвайчи» каби баҳаво масканларда мириқиб дам олган ўғил-қизлар катта таассуротлар билан қайтишди. Йўлнамалар биринчи навбатда кам таъминланган, ёлғиз оналар ва кўп болали оилаларга берилди.

Бундай меҳрибонлик қутилганидан ҳам кўпроқ самара келтирди. Табиийки, бола-чақаси, рўзгор таъшивларидан кўнгли тўқ ота-она иш жойида унумлироқ меҳнат қилишга ҳаракат қилади. Яратиб берилган шароитларга жавобан бор имкониятини ишга солади. Бу ҳақда депо раҳбари Фуқрат Азимов шундай дейди:

— Транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини ошириш кундалик шиори-мизга айланган. — 6,13-трамвай, 2,3,4-троллейбуслар йўловчиларни шаҳар маркази билан боғлайдиган йўналишлар ҳайдовчилардан ўз касбига чуқур масъулият билан ёндашишни талаб этади. А.Мақсудов, М.Садибоев, И.Хуррамов, Ш.Ярманов сингари транспорт ходимлари ёшларга ибрат бўлмоқдалар. Ҳар ойда бир марта маънавий ва маърифат хонасида қизиқарли маърузалар, суҳбатлар, кекса авлод вакиллари билан учрашувлар уюштирилмоқда. Яқинда Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги масъул ходимлари, Тошкент Маданият институти ўқитувчилари иштирокида ўтказилган «Йўловчиларга маданий муомала» мавзусидаги суҳбат жамоамиз аъзолари учун бағоят фойдали бўлди.

Ишловчиларнинг ижтимоий муҳофазасига йўналтирилган тадбирлар, савий-ҳаракатлар бехуда кетмаётми? Чунончи, ҳаракат таркибларини тўлдирish мақсадида 2,3 ва 28-йўналишларга 6 та янги троллейбусни бириктириб қўйдик. Таъминталаб 15 та

машинани ўз кучимиз билан созиладик.

Бозор шароитида муаммоларга дуч келиниши табиий ҳол. Нима бўлганда ҳам қўл қовуштириб ўтирадиган пайт эмас. Масалан, «Шкода» русумли машиналарга эҳтиёт қисмлар йўқлигидан қийналдик. Бунинг ҳам йўли топилди: Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда компрессор ва ярим кўприкларни тайёрлашга киришдик. «Алгоритм» корхонаси эса трамвай-троллейбусларнинг электроника қисмларини ишлаб чиқаришда яқиндан кўмаклашаётми...

Депо касабқўми раиси, мутахассислар, ҳайдовчилар билан суҳбатимиздан яна шу нарса маълум бўлдики, депода ишчи-хизматчилар учун энг зарур шарт-шароитлар яратиб берилган. Рационализиаторлик ва ихтирочилик ҳаракати доимий диққат марказида. Жумладан, троллейбуслар олд ва орқа кўприкларига қўйиладиган ёстиқчаларни янгиларига алмаштиришнинг ўзидан 9 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий самара кўрилди.

Аваллари ҳаво ҳайдагичлар Чехиядан валюта ҳисобига олиб келинган. Бош муҳандис Аскар Абдуқодиров етакчилигидаги ихтирочилар ҳар ойда 12 та машина ёстиқчасини автосаройнинг ўзидан тайёрлашга муваффақ бўлаётдилар. Ҳар бири 210 АҚШ доллари қийматига тенг бўлган бу ноёб қисмлар корхонада 20 минг сўмга тайёрланаётди. Шу йўл билан қанчадан-қанча маблағ тежаб қолинаётгани ва уларнинг тегишли микдори ишловчилар ижтимоий ҳимоясига сарфланаётгани айни мuddаодир.

— Ўтган йили 33 та ихтирочилик таклифидан 14 таси ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида салкам 23 миллион сўм соф фойда олинди, — дейди депо касабқўми раиси Баҳодир Қодиров. — Иш билганга минг танга, деб шунга айтсалар керак-да.

Мухими, корхонанинг молиявий аҳолини мустаҳкамлаш сарф-ҳаражатларини мақсадли йўналтириб тежамкорликка эришиш, транспорт воситаларини йўловчилар хизматида режада белгиланган тартибда чиқариш ҳар бир касабга уюшма аъзосининг асосий мақсадида айланиб бораётгани қувончли ҳол. Эҳтимол, ўтган ярим йилликда пойтахт автокорхоналари ўртасида ишни тақомиллаштириш бўйича ўтказилган слётда 3-депо 2-ўринга лойиқ қўрилгани мана шундандир.

Раҳматилла РЎЗМЕТОВ.

Навоий шаҳридаги «Кизилқумнобметаллолтин» концернида минг-минглаб юқори малакали ишчилар, инженер-техник ходимлар фаолият юрилади. Улар нисбатан оғир шароитда ишлашлари-га қарамадан, йил сайин қувончли натижаларни қўлга киритишмоқда. Бу ерда умумий махсулотнинг асосий қисми ишлаб чиқарилади. Ўз соҳасининг усталари Мустақилдигимизнинг 11 йиллик байрамини муносиб совғалар билан қаршилади-лар. Мухими, концерн жаҳон бозорига дадил қадам қўйди.

Комбинат касабга уюшма кўмитаси тасаруфидан 37 та бошланғич ташкилот бор. Тараққиётга эришиш, ишчи-хизматчиларнинг унумли ишлаб, кўнглини дам олишлари учун шароитлар яратиш, барча цехларда соғлом муҳитни вужудга келтиришда жамоа шартномасининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Бу ерда меъёрий ҳужжатларни қабул қилиш масаласига алоҳида масъулият билан ёндашилмоқда. Боиси шартномада кўпмиг кишилик жамоанинг манфаати, ишчилар малакасини ошириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, техника хавфсизлиги, маданий-маиший шароитлар тўлалигича ўз ифодасини топмоқда. Яна бир муҳим жиҳати шуки, концернда иш олиб бора-

ЖАМОА ШАРТНОМАСИНИНГ АҲАМИЯТИ НИМАДА?

ётган истеъмол меъёри даражаси ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш индексацияси билан шуғулланадиган комиссия фаолияти ҳам доимийлиги билан ажралиб туради. Яқинда Ўзбекистон касабга уюшмалари Федерацияси Кенгаши ушбу концерн касабга уюшма кўмитаси билан ҳамкорликда «Жамоа шартномаси меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашнинг асосидир» мавзусида семинар-кенгаш ташкил этди. Тадбир Навоий шаҳридаги бош корхона — Тоғ-металлургия комбинатида ўтказилди. Унда меҳнат-

қашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлимлари раисларининг ўринбосарлари, вилоят касабга уюшмалари бўлим мудирилари, шунингдек, асосий ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари иштирок этдилар. ЎзКУФК раисининг ўринбосари Э.Ўқубов жамоа шартномасининг

эътиборни қаратишди. Тегишли институт ва коллежалар, ўқув марказлари ишчи-хизматчилар малакасини ошириш, давр талабларига монанд равишда фаолият юритишда алоҳида ўрин тутмоқда. Булар ҳақида «Кизилқумнобметаллолтин» концерни корхоналари ходимлари касабга


лашдилар. Президент Фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари энг нуфузли жамоат ташкилотини бўлиши касабга уюшмалари олдига ҳам ўта муҳим вазифалар қўйди. Меҳнатқашлар манфаати, ҳақ-хўққини қатъий тўри ҳимоя қилиш жамоа шартномалари мазмуни ва моҳиятини юқори поғонага кўтаришни тақозо этмоқда. ЎзКУФКнинг бўлим мудирилари М.Исаев ҳамда Г.Гаффаровлар меъёрий ҳужжатларда меҳнатни муҳофиза қилиш масалаларига эътибор бериш катта наф келтираётганини илгор корхоналар ҳаётидан олинган мисоллар, фактрақамлар орқали тушунтиришди.

Семинар кенгаш иштирокчилари Навоий ва Зарафшон шаҳарларидаги корхоналарда бўлиб, у ерда ишлаб чиқариш жараёнлари ҳамда касабга уюшмалари бозор шароитида амалга ошираётган тадбирлар билан атрафлича танишдилар.

И. АХМЕТОВ, «Ишонч-Доверие» муҳбири.



Узун туманидаги бир гуруҳ ўқитувчилар ёш авлодга таълим-тарбия беришда эришган ютуқлари учун, мамлакатимиз мустақиллигининг 11 йиллиги муносабати билан туман халқ таълими бўлими ҳамда тармоқ касабга уюшма кўмитасининг қимматбахо совғалари ҳамда пул мукофоти билан тақдирланди. Жумладан, ёшларга илм сирларини қунт билан ўргатаётган Урол Юсупов,



Эргаш Худойбердиев, Ҳазратқул Қурбоновлар ҳам шундай ёзозга сазовор бўдилар. Суратларда: Узун туман халқ таълими бўлимининг мудири Хикмат Шоймардонов ва бўлим мутахассиси Оллаберди Эрназаров мукофотларни топширишмоқда. И. ҲАСАНОВ олган суратлар.

Ижтимоий ҳимоя

ҲЕЧ КИМ ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА ЭМАС

Вилоятимизда 84 минг нафарга яқин пенсия ва нафақа олувчилар истиқомат қилишади. Уларни моддий ва таъминлий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан белгиланган тадбирлар ички амалга оширилмоқда. Қариялар ҳамда ўзгалар ёрдамига муҳтож кишилар корхона ва ташкилотларнинг амалий мададини ҳис қилиб яшашмоқда.

Бу йил вилоятда истиқомат қилувчи 1398 нафар пенсионер ва ногирон саломатлигини мустаҳкамлаш режалаштирилган. Ўтган олти ойда уларнинг 693 нафари санаторий ва профилакторийларда соғломлаштирилди. 290 нафар фуқаро эса меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофиза қилиш вазирлиги тизимидаги касабга уюшмаларига қарашли сихатгоҳларда даволандилар. 36,798 нафар қария табиий қўриқдан ўтказилди.

Касабга уюшмалари Қарияларни кадрлар йилида кексалар манфаатларини жамоа шартномалари, бонустарга киритиш, тегишли имтиёزلарнинг тўлалигича амалга оширилишига эришиш йўлида баҳоли-қудрат ҳаракат қилмоқда. Ўтган даврда 503 та корхонада ишлаб кетган 5320 нафар пенсионерга моддий ёрдам кўрсатилди. Маълумнинг 3814 минг сўми касабга уюшмалари ҳисобидан ажратилди. Байрамлар муносабати билан мингдан ортиқ корхона 4094 пенсионер, қария ҳамда кам таъминланган хонадонларга моддий мадад кўрсатди.

Кейинги вақтларда яхши бир анъана шаклланди. Яъни, олти ой ичида 259 нафар пенсионер ва нафақа олувчининг уйи таъмирлаб берилди.

Эндиликда бошланғич ташкилотлар ўзгалар мададига муҳтож кишиларнинг энг яқин кўмакчисига айланиб бормоқда. Касабга уюшмалари вилоят Кенгаши ташаббуси билан 80 нафар ота-хону онахон «Бустон» сихатгоҳида дам олдирилди. Биз одамлар брасида кўпроқ бўлишга, муаммоларни иложи борида жойида ҳал этишга ҳаракат қилаёмиз. Кишилар илтимослари асосида ижтимоий таъминот бошқармаси томонидан мутасаддиларга эшитиш аппаратлари, 300 тадан зиёд қўлтиқтаёк, ногиронлар аравачаси етказиб берилди.

Ишонч саломатлиги ҳақида қайғуриш фаолиятимизда ўзига хос ўрин тутди. Гулистон шаҳрида реабилитация марказининг фойдаланишга топширилиши кўпдан-кўп кишиларнинг бу ажойиб табиий масканда саломатлигини мустаҳкамлашлари учун кенг имконият яратди.

Қ. ЭШНАЗАРОВ, Сирдарё вилоят касабга уюшмалари Кенгаши раиси ўринбосари.

Тошкент тумани бозорлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналарига кирган кишининг кўзи беихтиёр ҳокимлик, давлат солиқ инспекцияси ва прокуратура ҳузурдаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан чиқарилган мурожаатномага тушади. Унда Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш учун барча тижоратчи ва тадбиркорлар масъулиятлироқ бўлиш таъкидлаб ўтилган.

Қарорда таъкидланганидек, шу йил 1 сентябрдан бошлаб мулкчилик шаклидан қатъий назар барча ҳўжалик юритувчи субъектларга тижорат банкларидан ўз ҳисоб рақамларидан нақд пул маблағларини биринчи талаб бўйича олиш ҳуқуқи берилди. Шундай экан барча савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари кундалик нақд пул тушумини банк муассасаларидаги ўз ҳисоб рақамларига инкасса орқали топширишлари мақсада мувофиқдир. Агар ҳисоб рақами очилмаган бўлса, зудлик билан очилмоқда. Шунда пул муомаласини янада тақомиллаштириш, унинг банкдан ташқари муомаласини қисқартиришга улар ўз ҳиссаларини қўшган бўлади.

Шу билан бирга савдо қондилари тартибига амал қилмаётган тадбиркорлар, корхона ва ташкилотларга нисбатан жавобгарлик чоралари кўрсатиб ўтилган. Агар нақд пул тушумини яшириш ҳолати аниқланса, солиқ органининг қарорига кўра яширилган нақд пул тушуми микдоридан белгиланган тартибда жазима ундирилади. Назорат касса машини қўлланилмасдан тўлонлар, чипталар ёки уларга тенглаштирилган бошқа чеклар берилмасдан савдо қилинганда ва таъмирлаб кўрсатилганда тадбиркорга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баробари микдоридан молиявий жазима қўлланилади. Жазима ҳазола-

ларнинг учраб туриши кишини афсуслантиради. Кейинги ойлarda солиқ инспекцияси ходимлари «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб киришни тартибда олиш тўғрисидаги қарорнинг бажарилиши юзаси-

«Ишонч» фойда этади

мий овқатланиш корхоналарида бўлганларида бу объектларда солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганини синчковлик билан кўздан кечириб чиқмоқдалар. Шу жараёнда улар кейинги кунларда 3 та корхонада назорат касабга машиналаридан фойдаларида бўлганларида бу объектларда солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганини синчковлик билан кўздан кечириб чиқмоқдалар. Шу жараёнда улар кейинги кунларда 3 та корхонада назорат касабга машиналаридан фойдаларида бўлганларида бу объектларда солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганини синчковлик билан кўздан кечириб чиқмоқдалар. Шу жараёнда улар кейинги кунларда 3 та корхонада назорат касабга машиналаридан фойдаларида бўлганларида бу объектларда солиқ қонунчилигига қандай риоя этилаётганини синчковлик билан кўздан кечириб чиқмоқдалар.

Солиқчилар ўтказган текширувларда «Зироат» хусусий фирмаси сотувчилик нозорат касса машини ишламасдан савдо қилишлари, 17840 сўмлик товар бухгалтерия хисобига кирим қилинмаганлиги, савдода бўлиши мажбурий бўлган махсулотлардан 6 турининг пештахталарда йўқлиги аниқланди. «Давлат интернейшл ЛТД» хусусий фирмасида ҳам 52,5 минг сўмлик махсулот бухгалтерияга кирим қилинмаган экан. Бундан ташқари назорат касса машини китобини юритиш тартиби кўпол равишда бузилган эди. «Сардор ЮТН» хусусий фирмасида 62 минг сўмлик спиртли ичимликлар бухгалтерия хисобига кирим қилинмаган, назорат касса машинисидан фойдаланилмаган эди.

Хукумат қарорлари ижросини таъминлаш юзасида Зағноита туманида ҳам тегишли чора-тадбирлар кўриляпти. Туман солиқ хизмати ходимлари ўтказилган рейд ва текширувлар домида ноқонуний товарларнинг қириб келиши ва савдосига чек қўйилапти, ҳуқуқбузарларнинг учраб туриши кишини афсуслантиради. Кейинги ойлarda солиқ инспекцияси ходимлари «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товар олиб киришни тартибда олиш тўғрисидаги қарорнинг бажарилиши юзаси-

Ж. НОСИРОВ.

ҲУЖЖАТСИЗ МОЛЛАР

ри қўлланилгандан сўнг бир йил мобайнида тақрибий ҳуқуқбузарлик содир этилган тақдирда тадбиркорлар энг кам иш ҳақининг 40 баробари микдоридан молиявий жазима қўрилади. Бундай ноҳуш ҳолатлар янги бермаслиги учун рўйи қойиладиган қатъий риоя этиш талаб этилади.

Туманда ҳозир 1200 дан ортиқ тадбиркор фаолият кўрсатапти. Улар иштирокида ўтказилган семинар-кенгашлар, савол-жавоб кечалари, учрашувларда ҳукумат қабул қилаётган қарорлар моҳияти ҳўжалик юритувчи субъектларга кенг тушунирилмоқда. Шу мақсадда туман ҳокимлиги билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган режа асосида қишлоқ фуқаролари йиғинларида семинар-кенгашларнинг иккинчи давраси бошланди. Уларда кичик ва ўрта бизнес корхоналари ходимлари, тадбиркорлар, тижоратчилар билан бир қаторда банк муассасалари, тадбиркорлар палатаси, деҳқон-фермерлар уюшмаси, агросуртга вакиллари ҳам иштирок этмоқдалар. Дастлабки семинар-кенгаш Келес шаҳрида бўлиб ўтди.

Шунга қарамай амалдаги қонун-қоидаларга риоя этмаётган сохта тадбиркор-

«МАЙМАНОҚ»НИНГ ШИФОБАХШ СУВИ

Касби тумани ҳудудида жойлашган «Майманоқ» сихатгоҳи қарийб 3 гектарлик боғни ўз ичига олган. Сўлим гўшага келиб дам олувчилар, саломатлигини мустаҳкамловчилар йил сайин кўпаймоқда. Боиси, табиий равишда ердан чиқаётган иссиқ сув минг дардга даво.

Республикамиз сихатгоҳлари

Меситан қишлоғи томон юрсангиз атрафи дов-дарактлар билан ўралган шинамгина боғ эътиборингизни тортади. Гулу райхонлар ҳиди қайфиятингизни кой этади. Сихатгоҳ 50 ўринга мўлжалланган бўлиб, ҳўжаликлар билан тўзилган шартнома асосида меҳнатқашлар жалб этилмоқда. Ҳар ойда ҳўжаликлардан келган кишилар бу ерда саломатлигини мустаҳкамлайдилар. Муолажалар, тайёрланаётган турли таомларнинг сифати, маданий тадбирлар кўпчилигига маълум бўлмоқда. Дастурхонда ҳамиша қишлоқ ҳўжалик махсулотларига сероб.

Яқинда «Майманоқ» сихатгоҳи қайта таъмирланди, янада гўзаллашди. Йўлакларга асфальт ётқизи-либ, сув йўллари таъмирланди. Олис қишлоқ аҳолисига ҳам намунали табиий хизмат кўрсатиш йўлга қўйилганлиги қувонарли ҳол.

— Кўпдан буён асаб хасталиги безовта қиларди, - дея ҳикоя қилади «Қашқадарё» ҳўжалигининг Денов қишлоғида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийиси Озода Маҳмудова. — Касабга уюшма йўлланиши билан бу ерга келиб янгилашмаган эканман. 18 кун давомида игна билан даволанг ва бошқа муолажаларнинг нафи катта бўлди. Дарддан деярли халос бўлдим. Яхши кайфият билан кадрдон оиламга қайтман.

Ш. СУЛТОНОВ, «Ишонч» муҳбири.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда)

Еки, «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши ҳам долзарб аҳамият касб этади. Негаки, айни чоғда юртимизда турли хил ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларга ҳомийлик қилаётган бир талай хайрия ташкилотлари мавжудлигига қарамай, ҳозирга қадар уларнинг хайрия билан боғлиқ фаолияти қонунчилик асосида тартибга солинмаган. Шунингдек, қонунчилигимизда хайрия фаолияти билан шугулланувчи ташкилотлар учун муайян имтиёзлар кўзда тутилган бўлса-да, хайрия ишларига бош қўшаётган корхона, ташкилот, муассаса ва жисмоний шахсларнинг бу соҳадаги фаолияти, ўзаро муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш механизми тўла ишлаб чиқилмаган.

Худди шу сабабли бу борада зарур бўлган янги қонунларни қабул қилишга жиддий эътибор берилмоқда. Айни пайтда Президентимиз ўтган сессияда тақлиф этган «Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг кафолатлари ва давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ҳақида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш бўйича изчил иш олиб бориляпти.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР

Фуқароларимизнинг дунёқарашини, тафаккури тубдан ўзгарди. Уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятлари ошди. Бу ижобий жараёнлар кишига мамнуният бағишляпти. Юртимизнинг таъкидлаганидек, биз «демократия неъматларининг истеъмолчиси бўлиш биланги-

на чекланиб қолмасдан, балки ана шуларни яратувчи фаол шахслар» бўлишимиз зарурати бугунги давр, ислохотларимиз янги босқичининг муҳим шартларидандир.

Ватандошларимизнинг давлат ва жамият ҳаётида фаол иштирок этиши эса, ўз навбатида, жамиятимизни янада демократлаштириш ва фуқаролик институтларини шакллантириш билан чамбарчас боғлиқ.

Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, маҳалла, оила, шахс каби қўллаб-қувватлаш субъектлари кирishi нозарда тутган ҳолда, таъкидлаш ўринлики, фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири - нодавлат ва жамият ташкилотларини ривожлантиришдир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 3 мингдан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда ана шундай ташкилотлар санифини кенгайтириш баробарида, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеини кескин кучайтириш кўзда тутилмоқда.

Фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан яна бири - оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш масалалари хусусида тўхталиб, Юртимизимиз сўз ва матбуот эркинлигини, шунингдек, ошкораликни, жамиятда ўтказилаётган ислохотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик тамойилларни ҳаётга кенг жорий қилиш - жамиятимизни янада ривожлантириш ва сифат жиҳатидан янгилash борасидаги энг муҳим устувор йўналиш эканини таъкидлади.

Матбуот эркинлигини сўзда ёки қоғозда эмас,

амалда таъминлашга, барча оммавий ахборот воситаларига, мулки, шакли, тиражи, камрови ҳамда мавзу йўналишидан қатъи назар, уларнинг мамлакатимиз ахборот майдонида ҳалол рақобат асосида фаолият олиб бориши учун яқин келажақда давлат томонидан зарур шарт-шароит яратиб бериш, бу жаҳадаги қонунчилик асосларини янада мустаҳкамлаш лозим бўлади.

Президентимизнинг сўз ва матбуот эркинлигининг қонун билан тартибга солиш шарт бўлмаган ўзига хос жиҳатлари - одоб, шарм-ҳаё, фаросат, ғурур, бурч ва масъулият ҳақидаги, халқ, Ватан, мустақиллик манфаатлари тушунчалари мазмун-моҳияти хусусидаги фикрлари ҳам гоят аҳамиятлидир. Илло, биз барча жаҳалар қатори сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш борасида ҳам умумэътироф этилган халқаро мезонлар билан ўзимизнинг кўпмингйиллик маданий-маънавий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзи уйғунлигига таянамиз.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ - МУҲИМ ВОСИТА

Фуқаролик жамиятини шакллантиришда айниқса давлатнинг иқтисодий соҳага, ҳўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари устандан жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари алоҳида устувор аҳамият касб этади.

Фуқаролик жамиятини шакллантириш аввало иж-

тимоий-иқтисодий жараёнлар билан боғлиқ муайян масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотларига ўтказишга қаратилган бўлади.

Сессияда айтилганидек, бундай вазиятда давлат тизимининг роли барча жаҳаларда қонунчилик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш учун зарур ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилмоғи даркор. Марказий ва юқори давлат босқичида илмий-амалий семинарлар, халқаро тушуниш кафедрасида талабаларга «Фуқаролик жамиятининг ҳуқуқий асослари» махсус курси бўйича сабоқ берилмоқда.

Мамлакатимизда изчил, босқичма-босқич амалга оширилаётган ҳаётбахш ислохотлар бугунги кунда халқимиз, жамоатчилигимиз томонидан қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Жаҳон ҳамжамияти ва демократик давлатлар биз танлаган тараққиёт йўлини эътироф этаётир.

Бу бежиз эмас, албатта. Бу - истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислол Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг ўзига хос мустақил тараққиёт йўли - «Ўзбек модели» тўғри танлагани ва у ҳаётда ўзини тўла оқлаётганининг яққол исботидир.

Ақмал САИДОВ, Олий Мажлис Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кўмитаси раиси, юридик фанлари доктори (ўЗА).

Огоҳ бўлайлик!

Тинчлик ва эзуликка солинган ҳар қандай таҳдид ҳеч қачон кечирилмайди. 2001 йилнинг 11 сентябр воқеалари ана шундай қаботлар сирасига киради.

Ҳа, 11 сентябр куни АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри ва пойтахти Вашингтон яқинида рўй берган ёвузлик қанчадан-қанча одамлар ҳаётига зомин бўлди. Файриinsonий террорчилик ҳаракатлари жаҳон афкор оммасини қаттиқ ғазаблантирди, қалбларни ларзага солди. АҚШ

сўзлаган нутқлари то ҳануз долзалгича қолмоқда. Шохиди бўлаётганимиздек, ҳамон халқаро терроризм ва экстремизм жаҳон миқёсида батамом барҳам топганича йўқ. Ботбот ўқтирилаётганидек, террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларигагина эмас, балки, энг аввало, террорчиликни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни энг замонавий воситалар, қурол-яроғлар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга хал-

ТЕРРОРИЗМНИНГ АСЛ БАШАРАСИ

мудофаа вазирлиги биноси — Пентагон. Жаҳон Савдо Марказининг эгизак биноларига кетма-кет икки самолёт келиб урилиши оқибатида улар ер билан яқсон бўлди. Уша пайтда савдо марказида минглаб кишилар бор эди.

Шундай қилиб, АҚШдаги фожеалар терроризм инсониятнинг энг катта душмани эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Бу воқеа ҳатто, дунёдаги Америка каби энг кучли, қудратли давлат ҳам террор деб аталмиш разилликка қарши яқка кураш олиб боришга қодир эмаслигини кўрсатди.

Ўзбекистон Президенти Ислол Каримовнинг 1999 йил ЕХТНнинг Истамбул саммитида сўзлаган нутқида жаҳон ҳамжамияти халқаро терроризмга қарши биргаликда курашни лозимлиги ҳақида айтган гаплари нақадар жиддий огоҳлантириш эканлигини барча эътироф этади.

11 сентябр воқеаларидан сўнг давлатимиз раҳбари АҚШ президенти Жорж Бушга йўллаган мактубида мазкур ваҳшиёна кўпуровчиликни кескин қоралади ва даҳшатли ёвузлик — террорчиликка қарши курашишда ҳамманинг бирлашиши зарурлигини яна бир қарра таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарининг кўпгина форумлар, саммитлар ва нуфузли халқаро ташкилотлар йиғилишларида

лқаро марказларга қарши биргаликда кураш олиб борилган тақдирдагина самарали натижаларга эришишимиз ва уларни тор-мор этишимиз мумкин. Унутмаслик керакки, халқаро террорчилик бир давлат ёхуд бир неча давлат ҳудудида туриб, бошқа давлатга, унинг фуқароларига ва унинг конститутивий тамойилларига қарши уюштирилаётган жиноий ҳатти-ҳаракатларининг моддий жиҳатдан қудратли, халқаро алоқаларга дахлдор экстремистик ташкилот, гуруҳ ва оқимларнинг кўпуровчилик фаолиятидир. Зеро, унинг асл башараси АҚШда амалга оширилган машҳум кўпуровчиликда яққол намоён бўлди.

Вашингтон ва Нью-Йоркдаги фожеали воқеалар, 1999-2000 йилларда Ўзбекистон ва Қирғизистонга террорчи жиноий гуруҳларнинг суқулиб қирганлиги бу разолат дин ҳам, миллат ҳам, эл-улус ҳам танламаслигини эсга солди. Шу боис Ўзбекистон АҚШ ва бошқа барча тинчликсевар давлатларнинг терроризмни тағ-томари билан тугатиш борасидаги саъй-ҳаракатини биринчилардан бўлиб қатъий қўллаб-қувватлади. Бундай оқилона йўл қандай ижобий натижалар келтирганлиги бугун ҳаммага аён. Ўзбекистон халқи бугун баралла: «Биз сен билан биргемиз, Америка!» демоқда.

Р.УМАРОВ, шарҳловчи.

Саволларингизга ТДЮИ ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

САВОЛ: болани 2 ёшгача парвартириш учун берилган таътил даврида касаллик варақасига нафақа тўланадими?

Нодира АЗИМОВА, Меҳнатбод тумани.

ЖАВОБ: касаллик варақаси (вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақаси) асосида ходимларга нафақа тайинлаш ва тўлаш шартлари ва тартиби Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2002 йил 1 апрелдаги 21-сон буйруғи билан тасдиқланган «Давлат ижтимоий сугуртага бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида»ги Низомда белгиланган. Ушбу Низомнинг 22-бандига мувофиқ, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик куйидаги даврларга тўғри келганда нафақа тўланмайди:

- иш ҳақи сақланмаган таътил даврида;
- болани парвартириш бўйича таътил;
- иш вақтинча тўхтатилганда;
- ҳодим ишидан (лавозимидан) четлаштирилиб, иш ҳақи тўлаш тўхталиб қўйилганлиги сабабли ишланмаганда;
- ҳарбий ўқув ёки текширув йигини даврида;
- ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқув юртларида тахсил олиш муносабати билан берилган қўшимча таътил даврида.

Ушбу даврда бошланиб, давом этаётган меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси ходим ишга чиқishi (ла-

возимга тикланиши) лозим бўлган кундан бошлаб берилади.

САВОЛ: иш жойидан бериладиган моддий ёрдам ва муқофот пуллари пенсия миқдорини белгилашда ҳисобга олинадими?

К.СУЛТОНОВ, Тўртқўл тумани.

ЖАВОБ: пенсия ҳисоблаб чиқариладиган иш ҳақларига сугурта бадаллари олинмайдиган тўловлар киритилмайди. Улар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли қарори билан тасдиқланган сугурта бадаллари қўшилмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов турлари рўйхатида келтирилган.

муқофотлар). Иш ҳақи тизимида назарда тутилган муқофотлар, иш ҳақининг қўшимча қисмини ташкил қилиб, улар асосан ишнинг натижасига боғлиқ. Унга чораклик, ярим йиллик ва йиллик иш натижаларига доир муқофотлар киради.

САВОЛ: 1.Қишлоқ жойларда хусусий томирқадан ва мевали дарахтлардан олинмайдиган фойда пенсия миқдори ишлаб чиқарилаётганда иш ҳақига қўшиб ҳисобланадими?

2. Маълум жойда ишлашдан ташқари яқка тартибда мол боқиб давлатга гўшт ва сут топшириб қўрилган қўшимча даромад пенсия миқдори ишлаб чиқарилаётганда иш ҳақига қўшиб ҳисобланадими?

Нодира ХОЛБОЕВА, Фориш тумани.

ЖАВОБ: «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги қонунининг 32-моддасида пенсияларни ҳисоблаб чиқаришда эътиборга олинмайдиган иш ҳақи турлари берилган. Ушбу модданин 1-қисмига мувофиқ, пенсияларни ҳисоблаб чиқариш учун иш ҳақига амалдаги қоидаларга кўра, сугурта бадаллари олинмайдиган меҳнат ҳақининг барча турлари қўйилади. Амалдаги иш ҳақи тўлаш тизимида назарда тутилмаган бир марталик хусусиятга эга бўлган тўловлар бундан мустасно.

Фермерлар, яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчи шахслар, айрим фуқароларнинг юмушларини бажарувчилар ва бошқалар (иш вақтини ҳисобки тоб қилиш мумкин бўлмаган ходимларнинг) пенсияларини ишлаб чиқиш учун иш ҳақи миқдори бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланган сугурта бадаллари миқдориға қараб аниқланади. (32-модда, 3-қисм).

Демак, пенсия миқдорини ҳисоблашда фақатгина сугурталанган иш ҳақи, яъни бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига тўланган сугурта бадаллари аҳамиятга эга. Агар томирқа меваларидан олинган даромаддан сугурта бадаллари тўланмаган бўлса, бу даромад пенсия ҳисоблашда эътиборга олинмайди.

Худди шундай, гўшт ва сут етиштиришдан тушган даромаддан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига бадал тўланмаган бўлса, пенсия ҳисоблашда ушбу даромад ҳам эътиборга олинмайди.



Бухоро вилояти ИИБ ЙХББ ходимлари ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдалар.
Суратда: милиция капитани Хайриддин Тагаев хизмат пайтида.

САЙЁРАМИЗ САДОСИ

ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ НАМОЙИШИ

Бугун ўтган йил 11 сентябрда АҚШнинг Нью-Йорк шаҳри ҳамда пойтахт Вашингтон яқинида юз берган фожеаларга бир йил тўлди. Ушунда юзлаб беғуноҳ одамлар қурбон бўлдилар. Осмонўпар Халқаро Савдо Марказининг эгизак бинолари ва унинг атрофидаги иморатлар вайрон этилди. Утган давр мобайнида мазкур машҳум воқеаларни жаҳон жамоатчилиги ёдидан чиқаргани йўқ. Террорчилик ҳужрали содир этилганидан буюн ўша жойларда турли-туман хотирлаш маросимлари, учрашувлар, эсдалик обидалари барпо этиш тадбирлари амалга оширилди. Яқинда яна бир ана шундай хайрли иш ниҳоясига етказилди. Халқаро Савдо Маркази ховлисида 11 сентябрда кутқарув ишларида ҳалок бўлган ўт ўчирувчиларга ҳайкал ўрнатилди. Осмонўпар биноларнинг бири пештоқиға эса АҚШ байроғи осиб қўйилди.

Бугун АҚШ телеканалларида 11 сентябр фожеаларига бағишланган хужжатли фильм намойиш этилади. Унда мазкур ҳуружнинг қандай тайёрлангани ва амалга оширилганлиги тўғрисида ҳикоя қилинади. Бу ҳақда террорчилик гуруҳи аъзолари бўлган Усама бин Ладеннинг икки нафар ёрдамчиси гапириб берадилар. Интервью матнларини телетасмаларга «Ал-Қоида» ташкилотининг ҳайратдаги зобити ёзиб олган ва кўраётган Каттарнинг «Ал-Жазира» телемарказига бериб юборган экан. Кўрсатув жуда кўпчиликни қизиқтирмақда.

КЕСКИН БУРИЛИШ

Ироққа қарши ҳарбий ҳужумни амалга ошириш муаммоси кейинги пайтларда турли даражада муҳокама этилди. Оврупо Иттифоқиға кирувчи, НАТОға аъзо мамлакатлар ҳамда қатор Араб давлатлари Ироққа нисбатан уюштирилаётган ҳарбий операция Яқин Шарқ ва Осиё минтақасида вазиятни кескин издан чиқаради, деган фикрда турдилар. Олмония, Франция, Италия, Канада, Япония раҳбарлари ҳам бу ҳуружни қўллаб-қувватламадилар. Ҳатто, АҚШнинг ўзида ҳам мазкур масалаға яқдил қараш бўлмади. Президент Ж.Бушнинг ўзи ҳам яқуний хулосаға келиш учун шомаслигини, босқичлик билан иш кўражаклигини билдирди.

Бирок, Буюк Британия бош вазири Тони Блэрнинг ўтган ҳафта охирида АҚШға қилган сафари чоғида нуқтаи-назарлар бирдан ўзгарди ва Ироққа тез орада ҳарбий зар-

ба бериш шарт, деган қарорга келинди. Ҳужумнинг бошланиши ҳозирча ноябр ойи деб белгиланмоқда.

БОШ КОТИБ БАЁНОТИ

Араб давлатлари лигасининг бош котиби Амир Мусо ўзининг куни кеча берган баёнотида Ироққа ҳужум қилиниши «жаҳаннам эшикларини очиб юборади» деди. У мазкур ташкилотга аъзо мамлакатлар ташки ишлар вазирлари билан бўлган учрашувдан сўнг Ироққа қарши ҳарбий операцияни бирон-та ҳам Араб давлати қўллаб-қувватламамаслигини таъкидлади. Бирок, шу орада АҚШ ва Буюк Британиянинг юздан ортиқ самолётлари Ироқнинг фарбидаги ҳарбий-ҳаво ҳужумидан химоя нукталарига зарба бердилар.

АЙТИЛГАН СЎЗ — ОТИЛГАН ЎК

Фаластин мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўзини-ўзи қурбон қилувчи террорчиларни қонундан ташқари деб эълон қилиш ниятида. У шу тариқа Исроил билан амалга оширилаётган муносабатларга содиқ эканлигини исбот қилмоқчи. Айтилган сўз — отилган ўк, деди Ё.Арофат.

ҲАМОН ТАҚДИРЛАРИ НОМАЪЛУМ

Абу Сайёф исёнчи гуруҳи — Филлипиннинг ўзлари яшаётган қисмини алоҳида ажратиш ниятида. Аксилтеррорчи халқаро ташкилотлар бу гуруҳни энг хавфли уюшмалар рўйхатиға киритганлиги ҳам бежиз эмас. Яқинда ушбу гуруҳ Хопо оро-

лида наватдаги бедодликни амалга оширди. 8 киши гаровга олинди. Патигул шаҳар мазмурларининг айтишича, ушлаб турилган асирларнинг 5 нафари аёл, 3 нафари эркаклардир. «Ассошейтед Пресс» ахборот агентлигининг хабар қилишича, гаровга олинган кишиларнинг тақдирини ханузгача номаълум бўлиб турибди.

ОМАДИ БОР ЭКАН

«ИТАР-ТАСС» ахборот маҳкамаси кизикарли бир воқеа тафсилотини ошкор қилди. Гап шундаки, вьетнамлик аскар Нгуен Ван Бин Кам-боджада фуқаролар уруши пайтида «қизил»лар қўлиға асир тушиб қолади. Унда дом-дарак бўлмағач, йигит оиласи уни ўлдиға чиқаради. Лекин Нгуеннинг омади бор экан. У оғир яраланган, шифохонада даволанади, бирок, у хотира йўқотиш дардига мубтало бўлади. Аммо, кейинги пайтларда унинг хотираси секин-аста асли ҳолиға қайта бошлайди. Ушунда у ўз қишлоғининг номини, онасининг, рафиқасининг, болаларининг исмларини эслайди. Бир неча кун муқаддам Нгуен ўз ватанида — оиласи барриға қайтиб келди.

ГИННЕС КИТОБИГА КИРГАН ОДАМ

Малайзияда қисқа хасталикдан сўнг ер қуррасининг энг кекса одамларидан бири 144 яшар Омар Аббос вафот этди. У 1857 йил 26 сентябрда таваллуд топган экан. 1998 йилда эса сайёрамизнинг ушбу қарияси Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган эди.



«Президент кубоги» халқаро теннис турнири давом этмоқда

ҲАЯЖОНГА БОЙ БАҲСЛАР

чанинг диққат-этиборини тортди. Зеро, бу эътироф беҳиз эмас. Мусобақаларда иштирок этиш учун дунёнинг турли бурчақларида келган машҳур теннисчилар турнир нуфузини белгилабгина қолмай, унинг ниҳоятда муросасиз тус олишини ҳам таъминлаётди.

Утган куни асосий турнирнинг бир неча учрашуви бўлиб ўтди. Россиялик теннисчи А.Стояров саралаш босқичи голиби П.Кетла билан баҳс олиб борди. Қизгин курашлар остида ўтган учрашувда россиялик спортчининг қўли ба-

ланд келди: 2/6, 7/6, 6/2.

«Президент кубоги»нинг 1999 йилги голиби германиялик Н.Кифер Дания вакили К.Карлсен билан учрашувда жароҳат олиб, мусобақани эрта тарк этди. Мухлисларга яхши таниш бўлиб қолган Д.Сангиунетти (Италия) ва М.Норман (Швеция) ўртасидаги баҳс шиддатлиги билан ажралиб турди. Уч соатга яқин давом этган бу курашда рақиблар бир-бирларига мос эканликларини намойиш эттиди. Буни ҳисобдан ҳам кўриш мумкин: 4/6, 6/4, 7/6 (3). Хамюртимиз О.Огородов белоруслик В.Волч-

Хотира уйғонса гўзалдир

1912 йил Осмонўпар тоғлар билан ўралган гўзал ва сўлим Фарғона водийсининг Ўзган шаҳри яқинидаги Дравон қишлоғида камтарин инсон Абдулла ака оиласида фарзанд туғилди. Тоғлар ўлкасида уни-ўсгани учунми гўзал водий, шўх дарёлар ва қорли тоғлар шуғрида бир умрга муҳрланиб қолди. Бу бўлгуси Давлат ва фан арбоби, академик **Ҳабиб Абдуллаев эди.**

олимлар назариясини қўллаб-қувватлаган, бизга ёт кишидир» деган гаплар авж олди. Лекин ҳақиқат қарор топди: Ҳабиб Абдуллаев айнан шу асари учун мукофотга лойиқ топилди.

— 1959 йилнинг куз ой-

МИЛЛАТ ШАЪНИ УЧУН КУРАШГАН

У 18 ёшида йўланма билан Тошкентдаги индустриал, ҳозирги Ўзбекистон Давлат техника университетининг ишчилар куллубига ўқишга кирди. Ушбу олийгоҳни тугатган, Москвадаги геология-разведка институтининг аспирантурасида ўқиб, 1939 йили кейинчалик машҳур олим бўлиб етишган Фани Мавлонов, Натая Кенесаринлар билан биргаликда республикадаги биринчилардан бўлиб геология-минералогия фанлари номзоди деган унвонга сазовор бўлиб Тошкентга қайтди.

Ушбу халқимиз бошига оғир синовларни солди. Уша вақтда масъул лавозимда ишлаган ёш Ҳабиб учун ҳам тобланиш йиллари бўлди. Фронт учун руда қони топиш, Бекободда металлургия заводи қурилиши, кучириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш каби ўта муҳим вазифалар билан туну кун шуғулланди.

Бу ҳақда олимнинг умр йўлдоши Фотима ая Абдуллаева шундай хикоя қилганлар.

— 1942 йилни биз ҳам ташвиш, ҳам ҳаяжон билан кўтиб олдик. Ўғиллик бўлди. Бир кун илгари ҳужумат раҳбарлари Беккободга металлургия заводи қурилишини бошлаш учун боришди. Қу-

рунда - пўлат заводи қурилиши бошланишида туғилди. Исми Пўлат бўлсин, дейдилар.

Ҳабиб Абдуллаев учун халқ бахти-саодати йўлида тинмай меҳнат қилиш одатий ҳол эди. Шу билан бирга у ўзи севган соҳа - илм билан тинмай шуғулланди. 1946 йили «Урта Осиё вольфрам конлари» бўйича илмий ишани ниҳоясига етказиб, геология ва минералогия фанлари доктори деган шарафли номга сазовор бўлди.


Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳабиб Абдуллаевда - улкан истеъдод муҳир ташкилотчилик қобилияти билан уйғунлашиб кетган эди. Бу ҳақда Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Иброҳим Ҳамробоев шундай лутф қилган: «Мен ўзимга Бекободда металлургия заводи қурилиши, кучириб келтирилган корхоналарни жойлаштириш каби ўта муҳим вазифалар билан туну кун шуғулланди.

Арманистон фанлар академиясининг академиги Б.Амбарцумян шундай дейди: «Ҳабиб Абдуллаевдек буюк инсонлар ҳар кун, ҳар йили туғиларми...

Ҳ.Абдуллаев Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, Буюк Британия минералогия жамияти ва Франция геология жамиятлари ҳақиқий аъзоси, Мехико ва Копенгагенда бўлиб ўтган Халқаро геология конгресслари қатнашчиси, бутун дунёга танилган олим ҳамда давлат арбоби эди. Лекин бу умр гоё сербарка, сермахсул бўлди. Ярим асрнинг ўттиз йиллини фан учун, республикамиз фанини тараққий эттиришга бағишлади. Шу давр мобайнида 300 табоқ асар эъди. Қирқдан зиёд шоғир тайёрлади. Ҳуллас у инсонлар ҳавас қилса арзигулик сермазмун умр кечирди.

Республикамиз мустақиллигининг 11 йиллиги арафасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида буюк марҳум Ҳабиб Абдуллаев ҳам «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланган барча барчани, унинг дўстлари ҳамда шоғирларини болғуз қувонтирди. Ҳа, эл ўз содиқ фарзандларини ҳеч қачон унутмайди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» муҳбири.



Танишинг: турнир иштирокчилари


ДАВИД НАЛБАНДЯН

1982 йил 1 январда Аргентинада туғилган. Бўйи — 180 см. Вазни — 78 кг. Унг қўли билан ўйнайди. 2000 йилдан бери профессионал теннисда. Фаолияти мобайнида эришган маблағи — 938.700 доллар (2002 йил 26 август). ATP рейтингидagi энг юқори кўрсаткичи: 14 ўрин (15 июл 2002).

Д.Налбандян 2002 йилда Эшторилда ўтказилган турнир голиби. 2002 йил Уимбилдон финалчиси, Окленд, Буэнос-Айрес ва Торонто турнирлари чорак финалчиси, 2001 йилги Палермо турнири финалчиси.

Уимбилдон турнирида галаба қозониш — ҳар бир теннисчининг орзуси. Бунинг устига 20 ёшда марказий кортда ўйнаш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди. Шу маънода аргентиналик теннисчини омадли дейиш мумкин. Айтиш мумкинки, Давид профессионал фаолиятини андигина бошлаган чоғиданок ҳар бир уста теннисчи учун энг юксак орзу — чўққиларни забт эта олди. Биргина шу йилнинг ўзида Налбандянинг Уимбилдон финалида ўйнаганлиги ажойиб ютуқ саналади. Зотан, «Катта дубулга» турнири финалига бирдангина етиб бўлмайди. Д.Налбандянинг ютуғи яна шунинг учун ҳам қўйил қоларлики, у профессионаллар турнирида бор-йўғи ўтган йили илк бор қатнашганди.

Омадли қатнашувлардан сўнг аргентиналик ёш ракетка устаси ATP рейтингида бирдангина 200 поғона юқорилади ва Аргентинада Каньяс ва Корридан сўнг унингчи ўйинчи бўлиб қолди. «ATP чемпионлик пойгаси»да эса биринчи йигирмаликка кўтарилди.



«Бунёдкор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган М.Дадажонов номи хўжалик қаватли икки қаватли бино сўнгги йилларда маблағ етишмаслиги туфайли ҳувиллаб, ташландик аҳволга келиб қолган эди. Қишлоқда битта ўрта мактаб бўлиб, икки сменада фаолият кўрсатарди.

ИДОРА ҲАЯЖОНГА БОЙ БАҲСЛАР

Маҳаллий оқсоқоллар ташаббуси билан хўжалик идораси қайта таъмирланиб, унинг ўрнига бошланғич мактаб ташкил этишга келишилди. Буни туман ҳокимлиги қўллаб-қувватлади. Ишлар бошлаб юборилди. Қисқа фурсатда бино тўлиқ реконструкция қилиниб, фойдаланишга шай этиб қўйилди.

Бу хайрли ишга хусусий фермер хўжаликлари 13 миллион сўмлик маблағлари билан ҳисса қўшдилар. Ҳиҳозларга маҳаллий ҳокимлик бюджетидан 32 миллион сўмлик маблағ сарфланди.

Янги ўқув йилида янги мактаб 320 нафар бошланғич синф ўқувчиларини ўз бағрига олди.

«Боғдор» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги А.Яссавий номи 8-ўрта мактаб учун 320 ўринли қўшимча бино қурилиб, фойдаланишга топширилди. Эндиликда маъмур мактабда ҳам дарслар бир сменада ўтиладиган бўлди.

А.Саркисов, Қ.Раҳимов номи хўжаликлар ҳудудида ҳам бошланғич мактаблар мунтазам фаолият кўрсатмоқда.

А.АЗИМОВ,
«Ишонч» муҳбири.

Касаба уюшма тадбири

МАЙДОНДА — ТАЪЛИМ ХОДИМЛАРИ

Ўлкамизда байрам шукҳи кезиб юрган дамларда Бухорода халқ таълими ходимларининг аънанавий III республика спартакиадаси бўлиб ўтди.

«Универсиада» қувончидан энтикиб, унинг натижаларини чуқур таҳлил қилишга қиришган мухлислар яна замонавий спорт мажмуалари томон ошиқдилар. Улар бу гал ҳам қизгин беллашувларнинг шохиди бўлдилар.

ШАХМАТ — СЕВИМЛИ ҲАЯЖОН

Бу Бухорода яна бир қарра ўз тасдиғини топди. Учрашувларнинг дастлабки кунлариданок Бухоро Давлат университетининг маданият ва маърифат хонаси ишқибозлар ва спортчи мурабийлар билан гавжум бўлди.

Голиблар голиби бўлиш эса фарғоналик Ш.Ураловга насиб этди. У эркаклар ўртасида спартакиада чемпиони деган юксак унвонга сазовор бўлди. Кейинги ўринларни Ҳалим Тўраев (Бухоро), Г.Бударин (Тошкент шаҳри), Р.Ниёзматов (Хоразм вилояти) эгалладилар.

Аёллар ўртасидаги беллашувларда фахрли ўринлар қуйидагича бўлиди: Л.Маминаева (Тошкент шаҳри), Ш.Бердиева (Бухоро), М.Шокирова (Тошкент вилояти).

ГУЛНОРА ИШОНЧНИ ОҚЛАДИ

Стул тенниси баҳсларининг ҳал қилувчи беллашувларида Бухоро шаҳридаги 34-умумтаъ-

лим мактабининг рус тили ўқитувчиси Гулнора Шаропова зафар кучди. Чунки Гулнора қатор нуфузли мусобақаларда муваффақиятли қатнашган, шу боис ҳам у вилоят шарафини муносиб ҳимоя қилади, дея умид билдирилган эди.

Лекин ҳал қилувчи учрашувда тошкентлик ҳамкасби К.Чинниқуллоевдан устун келиши оқсон кечмади.

Учинчи ўрин учун кураш Андижон ва Хоразмдан келган теннисчи аёллар ўртасида кечди. Унда андижонлик спортчининг қўли баланд келди.

Эркаклар ўртасидаги мусобақалар ҳам ниҳоятда шиддатли бўлди. Унда омад Тошкент шаҳри спортчиси Олег Сухарковга қулиб боқди. Иккинчи ўринни бухоролик У.Усмонов ҳамда учинчи ўринни фарғоналик М.Холматовлар эгаллашди.

БАЛЛИ, ФУТБОЛЧИЛАР

«Ёшлик» спорт мажмуасига тўпланган ишқибозлар ҳаяжонини тушуна бўлади. Майдонда ўзининг чиройли, тезкор ўйинлари билан мухлислар эътиборини қозонган икки жамоа — Бухоро

ва Жиззахдан келган мини футболчилар ўзаро куч синашлариға тўғри келди. Бу ўйинда галаба қозонган жамоа чемпионлик шохсупасидан жой олиши ҳам аниқ эди. Финал учрашуви бухороликларнинг шиддатли ҳужумлари билан бошланди. Уйиннинг дастлабки дақиқаларидаёқ мезбонлар ҳисобни очишга муваффақ бўлдилар. Жамоа сардори Таиб Мақсудов бошлаб берган комбинацияни ҳужумчи Обид Мухаммедов муваффақиятли тарзда охирига етказди.

Ҳадемай иккинчи тўп ҳам киритилди. Уни Фурқат Хайруллаев амалга оширди. Бироз хотиржамликка берилиш эса мезбонлар учун қимматга тушди. Бутун жамоа билан қарши ҳужумга ўтган Жиззахлик футболчилар ҳисобдаги фарқни аввалига ўзгартирдилар. Кейинчалик ҳисоб (2:2) тенглашди. Учрашув ҳақамлари томондан белгилаган қўшимча 10 минутдан икки бўлим ўйин ўйнаш зарурлиги тўғрисидаги тўхтаб бухоролик спортчиларни хийла хушёр тортишга мажбур қилди. Уйин янада шиддатли тус олди. Қўшимча вақтда команда сардори жамоасини олдинга олиб чиқишнинг уйдасидан чиқди. Бу жамоага зўр кайфият, ўзгача руҳ бағишлади. Ҳадемай Фурқат Хайруллаев ҳисоби 4:2 га етказди. Учрашув 6:4 ҳисобида бухороликлар фойдасига ҳал бўлди.

Голиблар муносиб тарзда тақдирландилар.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» муҳбири.



Архив

рилиш ташкилотчиларидан бири бўлган Ҳабиб Абдуллаев улар орасида бўлинмайдилар. Ҳабиб Мухамедович уша пайтда биз билан овора бўлиб юрардилар. Эртасига кўнгуллари хотиржам, ўғил кўрганларидан хурсанд бўлиб, Бекободга йўл оладилар. У киши етиб боргунга қадар ҳужумат раҳбарлари уларни бир неча бор йўқлабдилар. Ҳабиб ака етиб бориб, бўлган воқеани айтиб берадилар. Шунда азиз инсонлар табрик-лаб, фарзандингиз яхши

Абдуллаевга қарши аёвсиз кураш бошладилар.

1950 йилда Ҳабиб Абдуллаевнинг «Рудаланишнинг гранитоид интрузиялар билан генетик боғлиқлиги» номи монографияси аввал Тошкентда, сўнг 1954 йили эса Москвада нашр этилди. Бу китоб Москва, Санкт-Петербург, Боку ва бошқа шаҳарларда катта тартишувларга сабаб бўлди. Аммо Тошкентдаги тартишув бошқача тус олиб, аҳвол шу даражагача бордики «Ҳабиб Абдуллаев совет олими эмас, у капиталист

ГРАН-ПРИ МУКОФОТИ СОҲИБИ

Республика ёш бастакорлари танловини ўтказиш яхши аънанга айланиб қолди.

Ўзбекистон композиторлар уюшмаси, «Камолот» ёшлар ҳаракати сазой-ҳаракати билан ташкил этилаётган бундай ижодий беллашувлар доирасида Гран-при мукофоти совриндорлари ҳам аниқланмоқда.

Бу сафарги танловда истеъдодли ёш бастакор Одилбек Худоберов нуфузли мукофот соҳиб бўлди. Бу ижодкор Ҳамза номидаги Тошкент Давлат музыка билим юрти ўзбек халқ қолғу асбоблари бўлимида ўқимокда.

У танловга янги ёзган фортепиано пьесалари билан қатнашди.

«Яхши кайфият», «Рақс» деб номланган ижод намуналари муаллиф томонидан гижжак жўрлигида ижро этилди. Гран-при голиби диплом ва қимматбаҳо совға билан ҳам тақдирланди.

«РЕКВИЕМ» МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон қасорлари томонидан яратилаётган янги музика асарлари концерт ташкилотлари репертуарида муносиб ўрин олмақда.

Таниқли бастакор Дилором Сайдаминаева асарлари ҳам бундай йирик музика кечалари дастуридан ўрин олмақда. Унинг

янги ёзган «Реквием» деб номланган асари Москвада ўтказилган замонавий музика халқаро фестивали концерт дастурига киритилди.

Фестивал иштирокчилари шу залининг ўзида бастакорни самимий кутладилар.

САНОАТ ЭКОЛОГИЯСИ

Тошкент кимё-технология институтининг «Саноат экологияси» кафедраси, «Экосан» жамғармаси билан биргаликда саноат корхоналарида хавфсиз ва соғлом меҳнат шaroитини яратиш, йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш жараёни билан ҳам яқиндан шуғулланмоқда. Иш шaroитларини

Хушхабарлар

назоратдан ўтказиш, аттестация тadbирларини кўриш бўйича ҳам фойдала тавсиялар берилмоқда.

Чирчиқдаги асфальт-бетон, Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати, Олмалик гишт ишлаб чиқариш корхонаси, «Аммофос» бирлашмаси каби саноат зоналарида олиб борилган кузатишлар ўз самарасини берди.

Натижада метеорологик иқлим шарoити яхшиланиб, соғлом меҳнат шарoити юзага келди. Кафедра бу кузатишлари асосида илмий асосланган тавсияларни ҳам ишлаб чиқди.

Акбар АЛИЕВ.

АСЛ ҚОҒОЗЛАР

Кўхна Самарқанднинг турли нав қоғози минг йилдан кўпроқ вақт мобайнида ўрта Осиёдагина эмас, яқин ва ўрта шарқда, шунингдек, Европада маълум ва машҳур бўлган.

Самарқанд қоғози уч навли бўлган. Биринчи нави тожикча «қоғози абрешими» («шойи қоғоз») ёки «қоғози иноқи» («хон қоғози») деб юритилган. У ниҳоятда нафис, пишк ва ойнадек силлик, ялтироқ, туси сарғиш бўлиб, шойи чикиндилардан тайёрланган.

Иккинчи хили — нимшойи қоғоз бўлиб, бу шойи чикиндисиға қаноп толаси қўшиб тайёрланган. Шунинг учун ҳам уни «нимкатон», яъни ярми қаноп толали қоғоз деб юритилган.

Учинчи хили — илгизлама чикиндиси, латта-путталардан ишланган. Самарқанд қоғози ёруққа тутиб қаралса, унинг ичида оқ халқасимон белги кўринади. Бу XVI асрнинг бошларида яшаган самарқандлик машҳур қоғоз устаси — Мир Иброҳимнинг муҳри эди. Ана шундай муҳри қоғозлар яқин-яқинларга «Мир Иброҳимий» деб аталган. Бундай қоғозларга фақат ўрта Осиёда эмас, ҳатто Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларидаги қоғоз усталарининг ҳам ҳаваси келарди.

ISHONCH
Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Тахрир хайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жориа Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонав, Маҳмуджон Расулов, Элёр Екубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиндор Эсонбоев, Кудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.
E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78, Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширди - 22.40

Маълумоти: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилади ва сақланади. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чол этилди. Корхона маънази: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.